

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
«NEW GLOBAL PROPESSIONAL-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти

Манзил: Тошкент вилояти Тошкент шаҳри Навоий кучаси 30 уй Тел. +99890-729-05-78.

Банк: Кишлоқ қурилиш Тошкент вил МФО 00987, х/р20208000904368607001 СТИР:205311743, ОКОНХ 84400

Лицензия: Аудиторлик фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2014 йил 28 ноябрь
қунидаги №-00737-сонли лицензиясига эга.

2017 йил 5 апрель

Молиявий ҳисоботдан ташқи
фойдаланувчиларга

«Нефт ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш»
акциядорлик жамиятининг 2016 йил 1 январдан 2016 йил 31- декабрга
қадар бўлган даврдаги молиявий ҳўжалик фаолияти юзасидан

ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН
А У Д И Т О Р Л И К Х У Л О С А С И

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NEW GLOBAL PROPESSIONAL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 25 октябрь 2014 йилда берилган №05248 аудитор малака сертификатига эга бўлган аудитори К.Тураев «Нефт ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 1 январдан 2016 йил 31 декабрга қадар бўлган даври учун тайёрланган молиявий ҳўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хизмати бўйича текширувидан утказилган.

Аудиторлик текширувидан утказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун ҳўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик текширувидан утказилган молиявий иктисодий ҳолати тўғрисида ҳулосаси учун асослаб беради.

Биз аудиторлик текширувининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун ва Аудит Миллий андозаларига мувофиқ утказдик.

Аудит Миллий андозалари биз томонимиздан молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни молиявий ҳисоботда жиддий бузилишлар мавжуд эмаслигига етарли ишонччи таъминлашимиз кераклигини такозо этади.

Аудиторлик текшируви ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги, уларнинг қонун ҳужжатларига шунингдек, молиявий-ҳўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолаш мақсадида утказилди.

Бизнинг фикримизча, «Нефт ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» акциядорлик жамиятининг утказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асос беради, деб ҳисоблаймиз. «Нефт ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» акциядорлик жамиятининг 2016 йилги молиявий ҳисоботлари унинг иктисодий ҳолатини умумий жиҳатдан тўғри акс эттирган. Текширишда аниқланган хато-қамчиликлар баланс валютасига ва якуний молиявий натижаларига жиддий таъсир қўрмайди.

«Нефт ва газ ишлаб чиқаришни таъмирлаш» акциядорлик жамиятининг бухгалтерия баланси Ўзбекистон Республикаси ва БХМСнинг қонун ҳужжатларига тўғри келади.

МЧЖШ «NEW GLOBAL PROPESSIONAL-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори:



К.Тураев